Yuridik shaxsni davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risidagi

GUVOHNOMA

Yuridik shaxs

"EMIT-SOLUTION" AKSIYADORLIK JAMIYATI

Tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holda yuridik shaxs - tadbirkorlik subyektining to'liq nomi

"EMIT-SOLUTION" AJ

Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi

309 018 776

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami (STIR)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatga olish, axborotni o'zgartirish)

04.11.2021	1059674
Sana	Tasdiqlandi

Tashkiliy-huquqiy shakli:

AKSIYADORLIK JAMIYATI

Faoliyatni amalga oshirish joyining manzili:

TOSHKENT SHAHRI, MIRZO ULUG`BEK TUMANI, XABIB ABDULLAYEV MFY, YALANG'OCH DAHASI, 30-B-UY

Tomonidan berilgan:

TOSHKENT SHAHRI, MIRZO ULUG`BEK TUMANI DXM

7045815

O'zbekiston Respublikasi
Adliya vazirligi

7045814

17.07.2026
3291093

Ma'lumotlarni o'zgartirish haqida ma'lumotnoma

O'zgartirishdan oldin

Soliq to'lovchisining identifikatsiya raqami (STIR)
309 018 776

Nomi
EMIT-SOLUTION

Tashkiliy-huquqiy shakli
Aksiyadorlik jamiyati

Joylashgan joyi (manzili)
Toshkent shahri, Mirzo Ulug`bek tumani, Xabib Abdullayev MFY, Yalang'och dahasi , 30-b-uy

Faoliyat turi
Boshqa dasturiy ta'minotlarni chiqarish

O'zgartirishdan keyin

Soliq to'lovchisining identifikatsiya raqami (STIR)
309 018 776

Nomi
EMIT-SOLUTION

Tashkiliy-huquqiy shakli
Aksiyadorlik jamiyati

Joylashgan joyi (manzili)
Toshkent shahri, Mirzo Ulug`bek tumani, Xabib Abdullayev MFY, Yalang'och dahasi , 30-b-uy

Faoliyat turi
Boshqa dasturiy ta'minotlarni chiqarish

O'zgarishdan oldingi aksiyalar

Ustav fondi: 20 235 640 000 so'm

Aksiya to`g`risida ma'lumot
Oddiy aksiyalar

Aksiyalar soni: 20235640 | Aksiya bahosi: 1000 so'm

O'zgarishdan keyingi aksiyalar

Ustav fondi: 20 235 640 000 so'm

Aksiya to`g`risida ma'lumot
Oddiy aksiyalar

Aksiyalar soni: 20235640 | Aksiya bahosi: 1000 so'm

«ТАСДИҚЛАНГАН»

«EMIT-SOLUTION» АЖ
акциядорлари умумий йиғилишининг
2026 йил «30» июндаги
№202606 - сонли баённомаси билан



“EMIT-SOLUTION”
акциядорлик жамиятининг
УСТАВИ
(Янги тахрир)

Тошкент шахри – 2026 йил

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Ушбу Устав Ўзбекистон Республикасининг "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги, "Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида"ги, "Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида"ги Қонунлари ва бошқа қонун ҳужжатлари асосида ишлаб чиқилган.

1.2. Бундан буён матнда "жамият" деб аталувчи "EMIT-SOLUTION" акциядорлик жамияти муқаддам Тошкент шаҳар МирзоғУлуғбек тумани давлат хизматлари маркази томонидан 2021 йил 04 ноябрда 1059674-сон билан "EMIT-SOLUTION" масъулияти чекланган жамияти сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

1.3. Жамият ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, Ўзбекистон Республикаси "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги, "Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида"ги, "Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида"ги Қонунлари ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга ҳамда мазкур уставга мувофиқ амалга оширади.

1.4. Жамиятнинг тўлиқ номи:

1.4.1. Ўзбек тилида:

лотин ёзувида: «EMIT-SOLUTION» aksiyadorlik jamiyati;

кирилл ёзувида: «EMIT-SOLUTION» акциядорлик жамияти.

1.4.2. Рус тилида: Акционерное общество «EMIT-SOLUTION».

1.4.3. Инглиз тилида: «EMIT-SOLUTION» joint stock company.

1.5. Жамиятнинг қисқартирилган номи:

1.5.1. Ўзбек тилида:

лотин ёзувида: «EMIT-SOLUTION» AJ;

кирилл ёзувида: «EMIT-SOLUTION» АЖ.

1.5.2. Рус тилида: АО «EMIT-SOLUTION».

1.5.3. Инглиз тилида: emit.uz JSC.

1.6. Жамиятнинг манзили:

- жойлашган жойи: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Яланғоч дахаси, 30-Б-уй.

- почта манзили: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Яланғоч дахаси, 30-Б-уй.

1.7. Жамиятнинг электрон почта манзили: info@emit.uz

1.8. Жамиятнинг расмий корпоратив веб-сайти: www.emit.uz

II. ЖАМИЯТНИНГ ҲУҚУҚИЙ ҲОЛАТИ, ЖАВОБГАРЛИГИ

2.1. Жамият юридик шахс бўлиб, у ўз мустақил балансида ҳисобга олинадиган алоҳида мол-мулкка, шу жумладан ўзининг устав капиталига берилган мол-мулкка эга бўлади, ўз номидан мулкий ва шахсий номулкий ҳуқуқларни олиши ҳамда амалга ошириши, зиммасига мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

2.2. Жамият давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан юридик шахс мақомига эга бўлади. Жамият фаолият кўрсатиш муддати чекланмаган ҳолда ташкил этилади.

2.3. Жамият Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида банк ҳисобваракларини очишга ҳақлидир.

2.4. Жамият ўзининг фирма номи давлат тилида тўлиқ ёзилган ҳамда жойлашган жойи кўрсатилган юмалоқ муҳрга эга бўлиши лозим. Муҳрда бир вақтнинг ўзида фирманинг номи бошқа исталган тилда ҳам кўрсатилиши мумкин.

2.5. Жамият ўзининг номи ёзилган штамп ва бланкаларга, ўз тимсолига, шунингдек белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган товар белгисига ҳамда фуқаролик

муомаласи иштирокчиларининг, товарларнинг, ишларнинг ва хизматларнинг хусусий аломатларини акс эттирувчи бошқа воситаларга эга бўлишга ҳақли.

2.6. Жамият ўз мажбуриятлари юзасидан ўзига тегишли барча мол-мулк билан жавобгар бўлади.

2.7. Акциядорлар жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди ва унинг фаолияти билан боғлиқ зарарларнинг ўрнини ўзларига тегишли акциялар қиймати доирасида қоплаш таваккалчилигини ўз зиммасига олади.

2.8. Акцияларнинг ҳақини тўлиқ тўламаган акциядор жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан ўзларига тегишли акциялар қийматининг тўланмаган қисми доирасида солидар жавобгар бўлади.

2.9. Жамият ўз акциядорларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

2.10. Жамият қонунчиликда белгиланган тартибда филиаллар ташкил этишга ва ваколатхоналар, шўъба корхоналари очишга ҳақли. Филиал жамиятнинг жамият жойлашган ердан ташқарида жойлашган ҳамда унинг барча вазифаларини ёки уларнинг бир қисмини, шу жумладан ваколатхонанинг вазифаларини амалга оширадиган алоҳида бўлинмасидир.

2.11. Жамият ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон республикасида ва бошқа давлатларда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ шўъба ва тобе хўжалик жамиятларига эга бўлиши мумкин.

2.12. Жамият Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари талаабларига мувофиқ бошқа юридик шахсларнинг таъсисчиси бўлишига ёки уларнинг устав капиталида бошқача тарзда иштирок этишга ҳақли.

2.13. Жамият жамиятнинг банкротлиги жамият учун мажбурий бўлган кўрсатмалар бериш ҳуқуқига эга бўлган акциядор сифатида иш юритаётган шахснинг ғайриқонуний ҳаракатлари туфайли юзага келган бўлса, жамиятнинг мол-мулки етарли бўлмаган тақдирда, мазкур акциядорнинг зиммасига жамиятнинг мажбуриятлари бўйича субсидиар жавобгарлик юклатилиши мумкин. Акциядор мажбурий кўрсатмалар бериш ҳуқуқига ушбу уставида бу ҳуқуқ назарда тутилган тақдирдагина эга бўлади.

2.14. Жамият учун мажбурий кўрсатмалар бериш ҳуқуқига эга бўлган акциядор жамият муайян ҳаракатни амалга ошириши оқибатида банкрот бўлишини олдиндан била туриб, ушбу ҳуқуқидан жамият томонидан шундай ҳаракат амалга оширилиши учун фойдаланган тақдирдагина жамиятнинг банкротлиги акциядорнинг ҳаракатлари туфайли юзага келган деб ҳисобланади.

2.15. Давлат ва унинг органлари жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди, худди шунингдек жамият ҳам давлат ва унинг органларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

2.16. Жамият ҳужжатларида фойдаланиладиган расмий тиллар рус ва ўзбек тилларидир.

III. ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИНИНГ СОҲАСИ (АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ) ВА МАҚСАДИ

3.1. Жамият тижорат ташкилоти бўлиб, унинг асосий мақсади молиявий-хўжалик фаолиятидан фойда олишдир.

3.2. Жамият асосий мақсадига эришиш учун фаолият ва хизмат кўрсатишнинг қуйидаги турларини амалга оширади:

- маълумотларни жойлаштириш ва қайта ишлаш бўйича хизматлар соҳасида комплекс ҳизматларини кўрсатиш;
- тўлов ташкилоти фаолияти – жисмоний шахслардан тўловларни қабул қилиш бўйича воситачилик хизматларини кўрсатиш;
- реклама, маркетинг, маслаҳат ва ахборот хизматлари;
- дастурий таъминотни ишлаб чиқиш, мослаштириш, модификация қилиш ва

техник жиҳатдан қўллаб-қувватлаш;

- ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш билан боғлиқ хизматлар, шу жумладан ахборот-техник хизматлар, маълумотларга ишлов бериш ҳамда уларни ўтказишга доир хизматлар, маълумотлар базаларини ва ахборот ресурсларини яратиш ва улардан фойдаланиш;
- ахборот тизимлари ва тармоқларини яратиш ҳамда уларнинг хавфсизлигини таъминлаш;
- ахборотни криптографик ҳимоялаш воситаларини ишлаб чиқиш ва реализация қилиш;
- микромолия ташкилоти фаолияти;
- Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида ман қилинмаган ва мазкур Уставда кўрсатилмаган бошқа фаолият турларини амалга ошириш.

3.3. Фаолиятни амалга ошириш учун махсус рухсатнома (лицензия) талаб қилинадиган фаолият турлари, тегишли рухсатнома (лицензия) олингандан кейин амалга оширилади.

3.4. Жамият ўз мақсадларини бажариш учун қонунчиликда белгиланган бошқа фаолият турларини ўрнатилган тартибда амалга ошириши мумкин.

IV. ЖАМИЯТ УСТАВ КАПИТАЛИНИНГ МИҚДОРИ, УНИ КЎПАЙТИРИШ ЁКИ КАМАЙТИРИШ ТАРТИБИ

4.1. Жамиятнинг устав капитали акциядорлар олган жамият акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади.

4.2. Жамиятнинг устав капитали 20 235 640 000 (йигирма миллиард икки юз уттиз беш миллион олти юз кирк минг) сўмни ташкил қилади. У ҳар бирининг номинал қиймати 1 000 (бир минг) сўм бўлган 20 235 640 (йигирма миллион икки юз утиз беш минг олти юз кирк) дона оддий акцияларга бўлинган.

4.3. Жамиятнинг мулки Устав фондига қўшилган бадаллар, олинган даромадлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги томонидан рухсат этилган бошқа асосларда орттирилган мулк ҳисобидан шаклланади.

Жамиятнинг устав капиталини кўпайтириш

4.4. Жамиятнинг устав капитали қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин.

4.5. Қўшимча акциялар Жамият томонидан ушбу уставда белгиланган эълон қилинган акциялар сони доирасидагина жойлаштирилади.

4.6. Жамият устав капиталини ошириш мақсадида жойлаштирилган акцияларига қўшимча равишда чиқариши мумкин бўлган эълон қилинган акциялари миқдори - номинал қиймати 1 000 (бир минг) сўм бўлган 50 000 000 (эллик миллион) дона оддий акциялардан иборат.

4.7. Устав капиталини қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш тўғрисидаги қарорда жойлаштириладиган қўшимча акцияларнинг умумий қиймати, сони, тури, номинал қиймати, жойлаштириш тартиби, усули, муддати, жойлаштириш (ташкил этилган қимматли қоғозлар савдоларига чиқариш) нархи, акциялар учун тўлов тартиби, амалга ошмаган деб топиш улуши ва амалга ошмаган деб топилган тақдирда акциялар учун қабул қилинган тўлов воситаларини қайтариш тартиби белгиланади.

4.8. Қўшимча чиқарилаётган акциялар очиқ ва ёпиқ обуна усуллари билан жойлаштирилади.

4.9. Акцияларнинг очиқ обунаси фақат ташкил этилган қимматли қоғозлар савдоларида ўтказилади.

4.10. Жамиятнинг устав капиталини кўпайтириш тўғрисидаги ва жамият уставига тегишли ўзгартиришлар киритиш ҳақидаги қарорлар жамият Кузатув кенгаши қарори билан қабул қилинади.

4.11. Жамият томонидан акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган, ҳақи пул маблағлари билан тўланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларни жойлаштиришда овоз берувчи акцияларнинг эгаси бўлган акциядорлар ўзига тегишли шу турдаги акциялар миқдорига мутаносиб миқдорда уларни имтиёзли олиш ҳуқуқига эга.

4.12. Имтиёзли ҳуқуққа эга бўлган шахсларнинг рўйхати қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарор қабул қилинган санадаги жамият акциядорлари реестрининг маълумотлари асосида тузилади.

4.13. Қўшимча чиқарилган акциялар бозор кийматида, лекин номинал кийматидан кам бўлмаган кийматда жойлаштирилади.

4.14. Акцияларни жойлаштириш, шу жумладан, акциядорга жойлаштириш тўғрисида қарор қабул қилишда акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархи қимматли қоғозлар савдоси ташкилотчиларининг савдо майдончаларида вужудга келаётган нархлар конъюнктурасидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Жамиятнинг устав капитали кўпайтирилаётганда жамиятнинг қўшимча акцияларига унинг ўз капитали ҳисобидан, шунингдек ҳақини қўшимча акциялар билан тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган дивидендлар ҳисобидан ҳақ тўланган тақдирда, бундай акцияларни жойлаштириш жамият акцияларининг номинал қиймати бўйича амалга оширилади.

4.15. Соликка оид ёки давлат олдидаги бошқа қарздорлик ҳисобига жамият устав капиталидаги давлат улушини шакллантириш ёки ошириш тўғрисидаги қарор жамият акциядорлари умумий йиғилиши томонидан жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг камида учдан икки қисми эгалари бўлган акциядорларнинг (давлатдан ташқари) розилиги мавжуд бўлган тақдирда, акциядорларнинг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Жамиятнинг устав капиталини камайтириш

4.16. Жамиятнинг устав капитали акцияларнинг номинал қийматини камайтириш ёки акцияларнинг умумий сонини қисқартириш йўли билан, шу жумладан акцияларнинг бир қисмини кейинчалик бекор қилган ҳолда жамият томонидан акцияларни олиш йўли билан камайтирилиши мумкин.

4.17. Жамиятнинг устав капиталини акцияларнинг бир қисмини олиш ва бекор қилиш йўли билан камайтиришга йўл қўйилади.

4.18. Жамиятнинг устав капиталини камайтириш тўғрисидаги ва жамият уставига тегишли ўзгартишлар киритиш ҳақидаги қарорлар акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

4.19. Устав капиталини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилинаётганда акциядорларнинг умумий йиғилиши устав капиталини камайтириш сабабларини кўрсатади ва уни камайтириш тартибини белгилайди.

V. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1. Жамият акциядорлари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- тегишли жамият акциядорларининг реестрига киритилиш;
- депо ҳисобварағидан ўзига тааллукли кўчирма олиш;
- жамият фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш;
- жамият тугатилган тақдирда ўзларига тегишли улушга мувофиқ мол-мулкнинг бир қисмини олиш;
- акциядорлар умумий йиғилиш қарори орқали жамиятни бошқаришда иштирок

этиш;

- жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотни белгиланган тартибда олиш;

- олган дивидендини эркин тасарруф этиш;

- қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;

- ўзига етказилган зарарнинг ўрни қопланишини белгиланган тартибда талаб қилиш;

- ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмаларга ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларига бирлашиш;

- жамият акциядорлари (иштирокчилари) ўртасида уларнинг ҳуқуқларини амалга ошириш тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида белгиланган тартибда корпоратив шартнома тузиш;

- қимматли қоғозларни олишда зарар кўриш, шу жумладан бой берилган фойда эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликларни суғурта қилиш ҳуқуқига эга.

Акциядор қонун ҳужжатларига ва жамият уставига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Акциядор томонидан ҳуқуқларнинг амалга оширилиши бошқа акциядорларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги лозим.

Акцияларни бошқа шахсга беришга доир чеклов белгиланиши акциядорни — мазкур акциялар эгасини ушбу Қонунда белгиланган тартибда жамиятни бошқаришда иштирок этиш ва улар бўйича дивидендлар олиш ҳуқуқидан маҳрум қилмайди.

5.2. Акциядорлар мазкур Уставда ва қонунчиликда назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга хам эга бўлади.

5.3. Жамият акциядорлари қуйидаги мажбуриятларга эга:

- Жамиятнинг Устав қоидаларига ва Уставда кўрсатилган тартибда, миқдорда ва усулда ҳисса қўшиш (акция ҳақини тўлаш);

- Жамият фаолияти тўғрисидаги махфий маълумотларни ташкил қилувчи сирларни фош қилмаслик;

- Махфий ахборотлар, тижорат сирларини қўллаш йули билан жамият директори фаолиятига тўсқинлик қилмаслиги лозим;

- Акциядор ўзига оид маълумотлардаги ўзгаришлар ҳақида жамиятни, унинг акцияларга бўлган ҳуқуқларини ҳисобга олиш бўйича хизматлар кўрсатувчи Марказий депозитарийни ва (ёки) инвестиция воситачисини ўз вақтида хабардор қилиши шарт. Акциядор ўзига оид маълумотлар ўзгарганлиги ҳақидаги ахборотни тақдим этмаган ҳолларда, жамият, Марказий депозитарий ва инвестиция воситачиси бунинг оқибатида акциядорга етказилган зарар учун жавобгар бўлмайди.

5.4. Акциядорлар умумий йиғилиши мазкур уставда ва қонунчиликда назарда тутилган бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлади.

VI. ЖАМИЯТ АКЦИЯЛАРИНИНГ ТУРЛАРИ

6.1. Жамият ўзининг акциялари оддий, шунингдек имтиёзли акциялар чиқариш ҳуқуқига эга бўлиб, ҳужжатсиз шаклда ҳисоби юритилади. Акцияларга эгалик ҳуқуқи депо-ҳисоб варағидан кўчирма билан тасдиқланади.

6.2. Жамият оддий акцияларни жойлаштириши шарт, шунингдек имтиёзли акцияларни жойлаштиришга ҳақли. Жойлаштирилган имтиёзли акцияларнинг номинал қиймати Жамият устав капиталининг йигирма беш фоизидан ошмаслиги лозим.

6.3. Бир турдаги акция унга эгалик қилувчи ҳар бир акциядорга шу турдаги акцияларнинг бошқа эгалари билан бир хил бўлган ҳажмдаги ҳуқуқларни беради.

6.4. Оддий акцияларни имтиёзли акцияларга, корпоратив облигацияларга ва бошқа қимматли қоғозларга айирбошлашга йўл қўйилмайди.

6.5. Акциялар мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқ асосида қайси юридик ёки

жисмоний шахсга тегишли бўлса, ўша юридик ёхуд жисмоний шахс акциянинг эгаси — акциядор деб эътироф этилади.

6.6. Оддий акциялар овоз берувчи акциялар бўлиб, улар ўз эгасига дивидендлар олиш, жамиятни бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқини беради.

6.7. Ўз эгаларига дивидендларни, шунингдек жамият тугатилаётганда акцияларга қўйилган маблағларни биринчи навбатда олиш ҳуқуқини берадиган акциялар имтиёзли акциялардир. Имтиёзли акциялар ўз эгаларига жамият фойда кўриш-кўрмаслигидан қатъи назар, муайян дивидендлар олиш ҳуқуқини беради.

6.8. Акциянинг эгаси бўлган акциядорга овозга қўйилган масалани ҳал этишда овоз бериш ҳуқуқини берадиган оддий ёки имтиёзли акция жамиятнинг овоз берувчи акциясидир.

VII. ДАРОМАДНИ (ФОЙДАНИ), ДИВИДЕНДЛАРНИ ТАҚСИМЛАШ ВА ЗАРАРНИ ҚОПЛАШ ТАРТИБИ

7.1. Жамият акцияларнинг ҳар бир тури бўйича эълон қилинган дивидендларни тўлаши шарт.

7.2. Жамият акциядорлари умумий йиғилиши қарорига биноан дивиденд пул маблағлари ёки бошқа қонуний тўлов воситалари ёхуд Жамиятнинг акциялари билан тўланиши мумкин.

Дивиденд акциядорга тегишли акцияларнинг сони ва турига мутаносиб равишда тақсимланади.

7.3. Жамият молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ойи натижаларига кўра ва (ёки) молиявий йил натижаларига кўра жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

Жамиятнинг молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги ва тўққиз ойи натижаларига кўра дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарори тегишли давр тугагандан кейин уч ой ичида қабул қилиниши мумкин.

7.4. Жамият тузилган шартномага мувофиқ Марказий депозитарий ва (ёки) инвестиция воситачиси орқали дивидендлар тўловини амалга ошириш ҳуқуқига эга.

7.5. Акцияларнинг ҳар бир тури бўйича дивидендлар тўлаш, дивиденднинг миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисидаги қарор Жамият Кузатув кенгашининг тавсияси, молиявий ҳисоботнинг ишончлилиги ҳақида аудиторлик хулосаси мавжуд бўлган тақдирда, молиявий ҳисобот маълумотлари асосида жамият акциядорларининг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади. Дивидендларнинг миқдори Жамият Кузатув кенгаши томонидан тавсия этилган миқдордан кўп бўлиши мумкин эмас.

7.6. Дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарорда дивидендлар тўлаш бошланадиган ва тугалланадиган саналар кўрсатилган бўлиши лозим.

7.7. Дивидендлар жамиятнинг жамият тасарруфида қоладиган соф фойдасидан ва (ёки) ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасидан тўланади.

7.8. Жамият томонидан оддий акциялар бўйича ҳисобланган дивидендларни тўлаш акциядорларнинг дивидендларни олишга бўлган ҳуқуқларига риоя этилган ҳолда амалга оширилади.

Дивидендларни тўлаш муддати ва тартиби жамият акциядорларининг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорида белгиланади. Дивидендларни тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан олтмиш кундан кеч бўлмаслиги лозим.

7.9. Жамият қуйидаги ҳолларда дивидендларни тўлаш ҳақида қарор қабул қилишга, ҳамда дивидендлар тўлашга ҳақли эмас:

жамият устав капиталининг ҳаммаси унинг таъсис этилиши чоғида тўлиқ тўлаб бўлингунига қадар;

агар дивидендлар тўланадиган пайтда жамиятда банкротлик белгилари мавжуд

бўлса ёки жамиятда шундай белгилар дивидендларни тўлаш натижасида пайдо бўлса;

агар жамият соф активларининг қиймати унинг устав фонди (устав капитали) ва заҳира фонди суммасидан кам бўлса, акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳамда дивидендлар тўлашга ҳакли эмас;

Ушбу моддада кўрсатилган ҳолатлар тугатилгач, жамият ҳисобланган дивидендларни акциядорларга тўлаши шарт.

7.10. Жамият дивидендларнинг миқдорини улардан ундириладиган солиқларни инобатга олмаган ҳолда эълон қилади. Жамият тўланадиган дивидендлар миқдори тўғрисидаги маълумотларни қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг ва жамиятнинг расмий веб-сайтларида қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда эълон қилади.

VIII. ЖАМИЯТНИНГ ЗАХИРА ФОНДИ

8.1. Жамият соф фойда ҳисобидан захира фондини ҳамда жамият акциядорларининг умумий йиғилиш қарорида аниқланадиган, жамият фаолияти учун зарур бўлган бошқа фондларни ташкил этади.

8.2. Жамиятнинг захира фонди, бошқа маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда, жамиятнинг зарарлари ўрнини қоплаш, жамиятнинг корпоратив облигацияларини муомаладан чиқариш, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаш ва жамиятнинг акцияларини қайтариб сотиб олиш учун мўлжалланади. Захира фондидан бошқа мақсадларда фойдаланиш мумкин эмас.

8.3. Жамият устав капиталининг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдорда захира фонди тузилади. Захира фондига белгиланган миқдорга етгунига қадар ҳар йили соф фойдадан 5 фоиз миқдорида ажратмалар ўтказади.

8.4. Захира фонди тўлалигича ёки қисман сарфланиб бўлган ҳолларида, соф фойдадан мажбурий ажратмалардан тикланади.

IX. ЖАМИЯТНИНГ БОШҚАРУВ ТУЗИЛМАСИ

9.1. Жамият бошқарув органлари:

- Жамиятнинг акциядорлар умумий йиғилиши;
- Кузатув кенгаши;
- Ижроия органи (Директор).

X. ЖАМИЯТ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ

10.1. Акциядорлар умумий йиғилиши жамиятнинг юқори бошқарув органидир.

Акциядорларнинг умумий йиғилишини жамият кузатув кенгашининг раиси, у узрли сабабларга кўра бўлмаган тақдирда эса, жамият кузатув кенгашининг аъзоларидан бири олиб боради.

10.2. Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши йиллик муҳокамаси молия йили тугаганидан кейин олти ойдан кечиктирмай ўтказилади.

10.3. Акциядорларнинг навбатдаги (йиллик) умумий йиғилиши муҳокамасида қуйидаги масалалар кўрилади:

Жамиятнинг кузатув кенгашини сайлаш тўғрисидаги;

Жамиятнинг ижроия органи раҳбари билан тузилган шартноманинг муддатини узайтириш, уни қайта тузиш ёки бекор қилиш;

Жамиятнинг йиллик ҳисоботи;

Фойда ва зарарларини тақсимлаш.

Йиғилишда бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилиши мумкин.

Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабар акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида йигирма бир кундан кечиктирмай, лекин узоғи билан ўттиз кун олдин Корпоратив ахборотнинг ягона порталида, жамиятнинг расмий веб-сайтида ва оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади, шунингдек акциядорларга электрон почта орқали юборилади.

Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан ташқари ўтказиладиган умумий йиғилишлари навбатдан ташқари йиғилишлардир.

10.4. Акциядорлар умумий йиғилиши ваколати доирасига қуйидагилар киради:

- жамият уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш;
- жамиятни қайта ташкил этиш;
- жамиятни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралиқ ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;
- жамият кузатув кенгашининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;
- эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;
- устав капиталини камайтириш;
- ўз акцияларини сотиб олиш;
- жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш,
- жамиятнинг йиллик ҳисоботини ва йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш;
- жамиятнинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш;
- жамият кузатув кенгашининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан жамиятни бошқаришга доир қонунчиликда белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан жамият кузатув кенгашининг ҳисоботларини эшитиш;
- имтиёзли ҳуқуқни қўлламаслик тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунда назарда тутилган қарорни қабул қилиш;
- акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш;
- акцияларни майдалаш ва йириклаштириш;
- Ўзбекистон Республикасининг "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуннинг 8 ва 9-бобларида назарда тутилган ҳолларда жамият томонидан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш, ушбу ташкилотнинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;
- ҳомийлик (хайрия) ёки беғараз ёрдам кўрсатиш (олиш) тўғрисида қарорларни қабул қилиш;
- мустақил профессионал ташкилотлар – маслаҳатчиларни жалб қилган ҳолда бизнес-жараёнлар ва лойиҳаларнинг Жамиятнинг ривожланиш мақсадларига мувофиқлиги юзасидан таҳлил ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- Жамият томонидан йирик битимлар ва Жамият аффилланган шахслари билан (манфаатдорлик) битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- Жамиятнинг жорий хўжалик фаолияти билан боғлиқ битимларни белгилаш;
- қонунчиликда ва мазкур Уставда кўзда тутилган бошқа масалаларни ҳал этиш.

10.5. Жамият овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига

эгалик қилувчи акциядорлар (акциядор) жамиятнинг молия йили тугаганидан кейин ўттиз кундан кечиктирмай, агар жамият уставида бундан кечроқ муддат белгиланмаган бўлса, акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига масалалар киритишга ҳамда жамиятнинг кузатув кенгашига ушбу кенгашнинг сон таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар кўрсатишга ҳақли, бундан кузатув кенгашининг мустақил аъзолигига номзодлар кўрсатиш мустасно.

10.6. Акциядорларнинг , йиғилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларга хабар бериш тартиби, акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик вақтида акциядорларга бериладиган материаллар (ахборотнинг) рўйхати Жамиятнинг Кузатув кенгаши томонидан белгиланади.

10.7. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар жамиятнинг ижроия органи ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас.

10.8. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар жамиятнинг кузатув кенгаши ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас, қуйидаги масалалар бундан мустасно:

- жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш, шунингдек жамият уставига жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш ҳамда жамиятнинг эълон қилинган акциялари сонини камайтириш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;
- «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 34-моддасига мувофиқ акцияларни жойлаштириш (ташкил этилган қимматли қоғозлар савдоларига чиқариш) нархини белгилаш;
- жамият томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- жамиятнинг ижроия органини тузиш, унинг раҳбарини сайлаш (тайинлаш), раҳбарнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;
- жамиятнинг ижроия органига тўланадиган ҳақ ва компенсациялар миқдорларини белгилаш;
- «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 75-моддасида биринчи қисмининг ўн биринчи хатбошисига мувофиқ жамиятнинг йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш.

10.9. Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқи акциядор томонидан шахсан ёки унинг вакили орқали амалга оширилади.

Акциядор акциядорларнинг умумий йиғилишидаги ўз вакилини исталган вақтда алмаштиришга ёки йиғилишда шахсан ўзи иштирок этишга ҳақлидир.

10.10. Акциядорнинг вакили акциядорларнинг умумий йиғилишида ёзма шаклда тузилган ишончнома асосида иш юритади. Овоз беришга доир ишончномада ваколат берган ва вакил қилинган шахс тўғрисидаги маълумотлар (исми-шарифи ёки номи, яшаш жойи ёки жойлашган ери, паспортига ёки идентификацияловчи ID-картасига оид маълумотлар) бўлиши лозим. Жисмоний шахс номидан берилган овоз беришга доир ишончнома нотариал тартибда тасдиқланган бўлиши керак. Юридик шахс номидан овоз беришга доир ишончнома унинг раҳбарининг имзоси ва ушбу юридик шахснинг муҳри билан (муҳр мавжуд бўлган тақдирда) тасдиқланган ҳолда берилади.

10.11. Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомаси Акциядорларнинг умумий йиғилиши ёпилганидан кейин ўн кундан кечиктирмай икки нусхада тузилади. Ҳар иккала нусха ҳам умумий йиғилишда раислик қилувчи ва умумий йиғилиш котиби томонидан имзоланади.

Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомасида:

акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилган сана, вақт ва жой;

жамиятнинг овоз берувчи акцияларига эгалик қилувчи акциядорлар эга бўлган овозларнинг умумий сони;

умумий йиғилишда иштирок этган акциядорлар эга бўлган овозларнинг сони;

умумий йиғилишнинг раиси (раёсати) ва котиби, йиғилиш кун тартиби кўрсатилади.

Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомасида маърузаларнинг асосий коидалари, овозга қўйилган масалалар ҳамда улар юзасидан ўтказилган овоз бериш якунлари, йиғилиш қабул қилган қарорлар кўрсатилиши лозим.

10.12. Акциядорлар умумий йиғилиши қарор қабул қилиш тартиби, Жамият акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдикланган "Акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисида"ги Низомда белгиланади.

XI. КУЗАТУВ КЕНГАШИ.

11.1. Жамиятнинг Кузатув кенгаши Жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, Қонун ва Жамият устави билан акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалаларни ҳал этиш бундан мустасно.

11.2. Жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида жамият ижроия органининг ҳисоботини мунтазам равишда эшитиб борган ҳолда жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;

акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақириш, бундан «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 65-моддасининг ўн биринчи қисмида назарда тутилган ҳоллар мустасно;

акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш;

акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;

акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун жамият акциядорларининг рини шакллантириш санасини белгилаш;

«Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 59-моддаси биринчи қисмининг иккинчи хатбошисида назарда тутилган масалаларни акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун киритиш;

мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;

жамиятнинг ижроия органини тузиш, унинг раҳбарини сайлаш (тайинлаш), раҳбарнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

жамиятнинг ижроия органига тўланадиган ҳақ ва компенсациялар миқдорини белгилаш;

жамиятнинг келгуси йилга мўлжалланган йиллик бизнес-режасини ҳисобот (жорий) йилнинг 1 декабригача кўриб чиқиш ва маъқуллаш;

ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек ҳар чоракда унинг ҳисоботларини эшитиб бориш;

жамият ижроия органининг фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатлардан эркин фойдаланиш ва жамият кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу ҳужжатларни ижроия органидан олиш. Жамият кузатув кенгаши ва унинг аъзолари олинган ҳужжатлардан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши мумкин;

аудиторлик текширувини ўтказиш (мажбурий аудиторлик текшируви бундан мустасно), аудиторлик ташкилотини белгилаш, унинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида карор қабул қилиш;

дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;

жамиятнинг захира фондидан ва бошқа фондларидан фойдаланиш;

жамиятнинг филиалларини ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш ва тугатиш;

жамиятнинг шўъба ва тобе хўжалик жамиятларини ташкил этиш ва тугатиш;

«Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқукларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 8 ва 9-бобларида назарда тутилган ҳолларда битимлар тузиш ҳақида қарор қабул қилиш;

жамиятнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузиш;

жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш, шунингдек жамият уставига жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш ҳамда жамиятнинг эълон қилинган акциялари сонини камайтириш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;

«Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқукларини ҳимоя қилиштўғрисида»ги қонуннинг 34-моддасига мувофиқ акцияларни жойлаштириш (ташкил этилган қимматли қоғозлар савдоларига чиқариш) нархини белгилаш;

жамият томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

қимматли қоғозлар (акциялар, облигациялар) ва эмиссия рисоласини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

қимматли қоғозлар (акциялар, облигациялар) ва эмиссия рисоласини чиқариш ҳақидаги қарорга ўзгартиш ва (ёки) қўшимчалар киритиш, ҳамда рисола матнини тасдиқлаш;

қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда йирик битимлар тузиш ҳақида қарор қабул қилиш (йирик битим тузиш масаласи бўйича Жамият кузатув кенгашининг якдиллигига эришилмаган тақдирда йирик битим тузиш тўғрисидаги масала кенгашнинг қарорига кўра акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиш учун олиб чиқилиши мумкин);

қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда Жамиятнинг аффилланган шахслари билан битимлар тузиш ҳақида қарор қабул қилиш;

Жамиятнинг ташкилий тузилмаси ва унга ўзгартириш киритишни маъқуллаш;

Жамият томонидан асосий фаолиятига хос бўлган янги кўчмас мулк объектларини сотиб олиш ёки қуриш ҳамда хўжалик жамиятлари устав капиталидаги улушни сотиб олиш, шунингдек, асосий фаолиятидан ташқари қўшимча фаолият билан шуғулланиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

11.3. Қуйидагилар жамият Кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган:

жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш, шунингдек жамият уставига жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш ҳамда жамиятнинг эълон қилинган акциялари сонини камайтириш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;

«Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқукларини ҳимоя қилиштўғрисида»ги қонуннинг 34-моддасига мувофиқ акцияларни жойлаштириш (ташкил этилган қимматли қоғозлар савдоларига чиқариш) нархини белгилаш;

жамият томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

жамиятнинг ижроия органини тузиш, унинг раҳбарини сайлаш (тайинлаш), раҳбарнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

жамиятнинг ижроия органига тўланадиган ҳақ ва компенсациялар миқдорларини

белгилаш.

11.4. Жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунга, жамият уставига ва Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган "Кузатув кенгаши тўғрисида"ги низомга мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш ҳам киритилиши мумкин.

Жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар ҳал қилиш учун жамиятнинг ижроия органига ўтказилиши мумкин эмас.

11.5. Кузатув кенгаши 3 (уч) аъзодан иборат бўлади. Кузатув кенгаши аъзоларини акциядорлар умумий йиғилиши уч йил муддатга сайлайди. Кузатув кенгаши аъзоларининг ваколатлари акциядорлар йиллик умумий йиғилишида сайланиш (қайта сайланиш) пайтигача амал қилади. Кузатув кенгашига фақат жисмоний шахс аъзо бўлиши мумкин. Жамиятнинг кузатув кенгаши таркибига сайланган шахслар чекланмаган тарзда қайта сайланиши мумкин.

11.6. Жамият бошқаруви аъзолари ва бош директори, унинг шўъба ва тобе хўжалик жамиятларида меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар ва ушбу жамиятлар бошқарув органларининг аъзолари жамиятнинг кузатув кенгашига сайланиши мумкин эмас.

11.7. Жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар жамиятнинг кузатув кенгаши аъзоси бўлиши мумкин эмас.

11.8. Акциядорлар умумий йиғилиши қарорига кўра кузатув кенгаши аъзолари (аъзоси) ваколатлари муддатидан аввал тугатилиши мумкин. Кузатув кенгашининг ваколатлари муддатидан аввал тугатилган тақдирда, акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишида сайланган кузатув кенгаши янги таркибининг ваколатлари якинда ўтказиладиган йиллик умумий йиғилишгача амал қилади.

11.9. Кузатув кенгаши аъзоси ҳоҳлаган вақтида ўз ваколатларини қолган кузатув кенгаши аъзоларини бу ҳақида ёзма равишда хабардор қилиб, ихтиёрий топширишга ҳақли. Бунда қолган кузатув кенгаши аъзоларининг ваколати тугамайди.

11.10. Жамият Кузатув кенгашининг раиси Кузатув кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан, ушбу кенгаш таркибидан Кузатув кенгаши аъзолари томонидан сайланади.

Жамият Кузатув кенгаши ўз раисини Кузатув кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан қайта сайлашга ҳақли.

Жамият кузатув кенгашининг раиси унинг ишини ташкил этади, кузатув кенгаши мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади, мажлисларда баённома юритилишини ташкил этади, акциядорларнинг умумий йиғилишида раислик қилади.

11.11. Жамият Кузатув кенгаши раиси йўқ бўлган ҳолларда унинг вазифасини Кузатув кенгаш аъзоларидан бири бажариб туради.

11.12. Жамият Кузатув кенгашининг мажлиси Кузатув кенгашининг раиси томонидан унинг ўз ташаббусига кўра, Жамият Кузатув кенгаши, Жамият овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядорлар (акциядор), ижроия органи- Директорнинг талабига кўра чақирилади.

Жамият Кузатув кенгашининг раиси жамият Кузатув кенгаши мажлисини ўтказиш тўғрисидаги талаб олинган санадан эътиборан уч кун ичида мазкур талабни кўриб чиқиши ва жамият Кузатув кенгаши мажлисини ўтказиш ҳақида ёки, конунчиликда белгиланган холатларда, уни ўтказишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиши шарт.

Жамият Кузатув кенгаши мажлисини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, бундай мажлис уни ўтказиш тўғрисидаги талабнома олинган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай ўтказилиши шарт.

Жамият Кузатув кенгаши мажлислари унинг раиси томонидан ҳар чоракда камида бир марта чақирилади. Заруриятга кўра Жамият Кузатув кенгашининг навбатдан ташқари мажлислари ҳам ўтказилиши мумкин.

11.13. Жамият Кузатув кенгашининг қарори Кузатув кенгашига сайланган

аъзоларнинг камида етмиш беш фоизи иштирок этганида қонуний ҳисобланади.

Жамият кузатув кенгаши аъзоларининг сони жамият уставида назарда тутилган миқдорнинг етмиш беш фоизидан кам бўлган тақдирда, жамият кузатув кенгашининг янги таркибини сайлаш учун акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириши шарт. Кузатув кенгашининг қолган аъзолари акциядорларнинг бундай навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилишга, шунингдек жамият ижроия органи раҳбарининг ваколатлари муддатидан илгари тугатилган тақдирда, унинг вазифасини вақтинча бажарувчини тайинлашга ҳақлидир.

11.14. Жамият кузатув кенгашининг мажлисида қарорлар, агар кузатув кенгашининг мажлисини чақириш ва ўтказиш тартибини белгиловчи амалдаги қонун ҳужжатларида, жамият уставида ўзгача қоида назарда тутилмаган бўлса, мажлисда ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади

Ҳар бир кузатув кенгаши аъзоси бир овозга эга. Овозлар тенг келиб қолганда, кузатув кенгаши раиси овози ҳал қилувчи овоз ҳисобланади.

Жамиятнинг кузатув кенгаши аъзоларининг овозини бошқа шахсга, шу жумладан, жамият кузатув кенгашининг бошқа аъзосига беришга йўл қўйилмайди.

11.15. Кузатув кенгаши мажлисида баённома юритилади, у мажлис ўтказилгач 10 кун давомида тузилган бўлиши керак.

Мажлис баённомасида қуйидагилар кўрсатилади:

- мажлис ўтказилган сана, вақт ва жой;
- мажлисда иштирок этадиган, шу жумладан ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб иштирок этадиган шахслар;
- мажлиснинг кун тартиби;
- овоз беришга қўйилган масалалар, улар юзасидан ўтказилган овоз бериш якунлари;
- қабул қилинган қарорлар.

11.16. Жамият кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлисда иштирок этаётган жамият кузатув кенгаши аъзолари томонидан имзоланади, улар мажлис баённомаси тўғри расмийлаштирилиши учун жавобгар бўлади.

Жамият кузатув кенгашининг қарорлари сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) жамият кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши мумкин.

11.17. Жамият кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси имзоланган куни жамиятнинг ижроия органига ижро этиш учун топширилади. Кузатув кенгаши акциядорларнинг умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилган тақдирда мазкур қарор ҳақидаги ахборот жамиятнинг ижроия органига кузатув кенгашининг мажлиси ўтказиладиган куни топширилади.

11.18. Жамият кузатув кенгашининг вазифаси ҳуқуқи ва мажбуриятлари бўйича тўлиқ вазифалар рўйхати, шунингдек устав билан тартибга келтирилмаган қисми акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган «Кузатув кенгаши тўғрисида»ги низом асосида белгиланади.

XII. ЖАМИЯТНИНГ ИЖРОИЯ ОРГАНИ

12.1. Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик якка ижро этувчи орган – Директор томонидан амалга оширилади. Директор ваколатига Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилишга доир барча масалалар киради, акциядорлар умумий йиғилишининг ёки Жамият кузатув кенгашининг ваколатига киритилган масалалар бундан мустасно.

12.2. Директор Жамиятнинг кундалик фаолиятини бошқаради ва оператив раҳбарликни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, Жамият Устави, Жамият акциядорлар умумий йиғилишининг, Жамият кузатув кенгашининг қарорларига мувофиқ амалга оширади.

12.3. Директор Қонун ва мазкур Уставга мувофиқ акциядорлар умумий йиғилишинг ва Жамият кузатув кенгашининг қарорлари бажарилишини ташкил этади ва уларга ҳисобот беради.

12.4. Директор белгиланган тартибда лавозимга 3 (уч) йилдан иборат бўлган муддатга шартнома асосида тайинланади. Шартноманинг амал қилиш муддатини ўзайтириш ёки уни бекор қилиш мумкинлиги тўғрисида ҳар йили қарор қабул қилинади. У билан меҳнат шартномасини Жамият номидан жамият кузатув кенгашининг раиси ёки кузатув кенгаши ваколат берган шахс томонидан имзоланади.

12.5. Директорни тайинлаш тўғрисидаги қарор, хорижий менежерлар ҳам иштирок этиши мумкин бўлган танлов асосида қабул қилиниши мумкин.

12.6. Директор ваколатига қуйидагилар киради:

- Мазкур Устав, акциядорлар умумий йиғилиши ва жамият Кузатув кенгаши томонидан ўзига берилган ваколатларга мувофиқ Жамиятнинг ишига раҳбарлик қилиш;
- Акциядорлар умумий йиғилиши ва жамият Кузатув кенгаши қарорларининг ижро этилишини ташкил этиш;
- Жамият тузилмалари раҳбарларини тайинлаш;
- Жамиятнинг филиали ёки ваколатхонаси раҳбарини тайинлаш;
- Ишчи ва ходимларга иш ҳақи ва мукофотлар миқдорини белгилаш;
- Ходимлар мансаб йўриқномаларини тасдиқлаш;
- Жамият томонидан мол-мулкни олиш ёки уни бошқа шахсга бериш ёхуд мол-мулкни бошқа шахсга бериш эҳтимоли билан боғлиқ битим ёки ўзаро боғланган бир нечта битимлар бўйича қарор қабул қилиш, агар бошқа шахсга берилаётган мол-мулкнинг ёки олинаётган мол-мулкнинг баланс қиймати бундай битимларни тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилинаётган санадан олдинги ҳисобот санасига тузилган молиявий ҳисобот бўйича жамият соф активлари миқдорининг 15 фоизигача ташкил этса, кундалик хўжалик фаолиятини юритиш жараёнида тузиладиган битимлар ҳамда акцияларни ва бошқа қимматли қоғозларни жойлаштириш билан боғлиқ бўлган битимлар бундан мустасно;
- Жамиятнинг асосий воситаларини ҳисобдан чиқариш;
- Жамият номидан ишончномасиз иш юритиш ва унинг манфаатларини ҳимоя қилиш;
- Жамият номидан битимлар тузиш;
- Ходимлар штатларини тасдиқлаш, ходимларни (ишчиларни) ишга қабул қилиш, улар билан меҳнат шартномаларини тузиш ва бекор қилиш, уларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш, ходимлар томонидан меҳнат ва ижро интизомини сақлаб туришини таъминлаш;
- Жамият номидан амалдаги қонунчиликка асосан ишончномаларни бериш;
- Жамият фаолияти билан боғлиқ масалалар бўйича барча ходимлари учун мажбурий бўлган буйруклар ва фармойишлар чиқариш ва кўрсатмалар бериш;
- Ўз ваколатлари доирасида Жамиятнинг самарали ва барқарор ишлашини таъминлаган ҳолда унинг жорий фаолиятига раҳбарлик қилиш;
- Жамият акциядорлар умумий йиғилишининг қарорларининг бажарилишини ташкил этиш;
- Жамиятда бухгалтерия ҳисоби юритилишини ташкил этиш, шу жумладан эълон қилиш мақсадида Молиявий ҳисоботлар халқаро стандартларига трансформациясини таъминлаш;
- Қонун ҳужжатларига мувофиқ Жамият фаолиятига доир маълумотларни ошкор қилиш;

- Йиллик ҳисоботлар ва бошқа молиявий ҳисоботлар тегишли органларга ўз вақтида тақдим этилишини, шунингдек акциядорларга, жамият Кузатув кенгашига, кредиторларга ва бошқа олувчиларга юбориладиган Жамият фаолияти тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилишини таъминлаш;
- Жамият архиви ишини ташкил этиш ва ундаги ҳужжатлар бутлигини таъминлаш;
- амалдаги қонун ҳужжатларига ҳамда Жамият ички ҳужжатларига риоя қилиш.
- Жамият ходимлари билан меҳнат шартномалари тузишда улар учун хизмат ва тижорат сирига кирувчи маълумотлар ҳажми ва таркибини белгилаш;
- Жамият номидан ишончномалар бериш;
- Банкларда Жамиятнинг ҳисоб-китоб ва бошқа ҳисобларини очиш ва ёпиш;
- Уставда белгиланган доирада мол-мулк ва пул маблағларини тасарруф этиш;
- Жамият ходимлари меҳнат интизомини бузган тақдирда интизомий чоралар кўриш, шунингдек, мазкур ваколатларни делегация қилиш;
- Жамият ходимларини рағбатлантириш;
- Жамиятнинг штат жадвалини тасдиқлаш, малакали кадрлар билан таъминлаш;
- Банк ҳужжатларига имзо қўйиш ҳуқуқига эга шахслар рўйхатини тасдиқлаш;
- Жамият номидан жамоавий музокараларга кириш ва жамоавий шартномалар тузиш;
- Ўз ваколат доирасида айрим масалаларни Жамият таркибий бўлинмалари раҳбарларига топшириш;

12.7. Директор Жамият қуйидагиларга мажбур:

- Ўз ваколатлари доирасида Жамиятнинг жорий фаолиятини бошқариш;
- Жамият шартномавий мажбуриятларини бажарилишини таъминлаш, ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳани ривожлантириш учун зарур даражада фойда олиш;
- Жамият ривожлантириш дастурлари ва бизнес-режаларини ишлаб чиқишни бошқариш, уларни ташкил этиш ва назорат қилиш;
- Давлат статистик ҳисоботларини тегишли органларга тўлиқ ва ўз вақтида тақдим этилишини таъминлаш;
- Жамият тижорат сирини сақлаш, агар бундай маълумотларни учинчи шахсларга бериш унинг мажбуриятларига кирмаса;
- Жамият ходимлари томонидан хизмат ёки тижорат сирини сақлашини таъминлаш;
- Жамиятни малакали кадрлар билан таъминлаш, ходимларнинг билимлари, малакаси, тажрибаси ва қобилиятларини самарали ишлатиш чораларини кўриш;
- Меҳнат ва технологик интизомни сақлаш;
- Жамият ходимлари учун ижтимоий кафолатлар ва меҳнат муҳофазасини таъминлаш;
- Жамоавий шартномалар ва битимлар тузишда иш берувчи сифатида иштирок этиш;
- Жамоавий шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш.

12.8. Директор ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда Жамият манфаатларини кўзлаб иш тутиши лозим. У қонун ҳужжатларига ва ушбу уставга мувофиқ Жамият, акциядорлар умумий йиғилиши ва жамият Кузатув кенгаши олдида жавобгардир.

12.9. Директор мазкур Устав ва Жамият акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдикланган "Ижроия органи тўғрисида"ги низом асосида иш олиб боради.

12.10. Агар Жамиятнинг Директори томонидан йирик битим ёки аффилланган шахслар билан битим тузиш тартиби бузилганлиги натижасида Жамиятга зарар етказилган бўлса ва бунда Жамият Директорининг айби қонунчиликда белгиланган тартибда исботланса, Жамиятнинг кредиторлар олдида қарздорлигини қоплаш учун унинг мол-мулки етарли бўлмаган тақдирда жамиятнинг мажбуриятлари бўйича субсидиар жавоблар бўлади.

XIII. ЖАМИЯТНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТУГАТИШ

13.1. Жамиятни қайта ташкил этиш (жумладан: қўшиб олиш, қўшиб юбориш, бирлаштириш, бўлиш, ажратиб чиқариш ва қайта тузиш) акциядорлар умумий йиғилиши қарори асосида, шунингдек, амалдаги қонун ҳужжатлари билан белгиланган ҳолларда ва тартибда амалга оширилади.

13.2. Жамиятни тугатиш акциядорлар умумий йиғилиши қарори асосида, шунингдек, амалдаги қонун ҳужжатлари билан белгиланган ҳолларда ва тартибда амалга оширилади. Жамиятни тугатиш унинг ҳуқуқ, ва мажбуриятлари ҳуқуқий ворислик тартибида бошқа шахсларга утмаган ҳолда Жамият фаолиятининг тухтатилишига олиб келади.

XIV. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

14.1. Устав бўйича келиб чиқадиган барча низо ва келишмовчиликлар амалдаги қонун ҳужжатлари ва ушбу уставга асосан ҳал қилинади.

14.2. Низо ва келишмовчиликларни музокаралар йўли билан ҳал қилиш имконияти бўлмаган тақдирда улар тегишли равишда суд орқали ҳал қилинади.

14.3. Мазкур Устав ва унинг киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатига олинган вақтдан бошлаб учинчи шахслар учун кучга киради.

14.4. Ушбу Уставнинг тартибга солувчи қонунчилиги Ўзбекистон Республикаси қонунчилигидан иборат.

Директор **Ахмад Э.Ю.**